

Экстремизм лотинча — “ақл бовар қилмас даражада ҳаддан ошиш” маъносини англатиб, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган, кескин радикал қарашлар ва ҳаракатларни англатади. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм — жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик йўли билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ МОҲИЯТИ ВА ҒОЯВИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Диний экстремизм келиб чиқишининг биринчи ва асосий сабаби бу — мутаассиб фикр ва қарашларнинг пайдо бўлишидир. Мутаассиблик муайян ғояларнинг тўғри эканига қаттиқ ишониш, уларга муккасидан берилиш, “ўзгалар” ва “ўзгача” қараш ва ғояларга мурасасиз муносабатда бўлиш, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда, уларни тан олмасликда намоён бўлади. Мутаассиблик барча даврларда турли дин ва йўналишлар орасида кескин низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган.

Диний экстремистик оқимларни бажарадиган функцияларига кўра 3 гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кирувчи ташкилотларнинг асосий “вазифа”си одамларни гўёки “исломлаштириш”, “тақвога чақириш”дан иборат.

Иккинчи гуруҳ ташкилотлар эса, “исломийлаштирилган” аҳолига мутаассиблик ғояларини сингдириш, улардан муайян ғояга ғошишмай, сўзсиз эргашадиган “кадр”ларни тайёрлаш билан шуғулланади. (“Нурчилар”, “Ҳизбут-таҳрир”).

Учинчи гуруҳ эса юқоридаги ташкилотлар томонидан тайёрланган кишиларни “жиҳод”ни амалга оширишга тайёрлаш билан шуғулланади. Бу гуруҳга барча террорчи ташкилотлар киради.

Диний экстремистик ҳаракатларга хос юқоридаги хусусиятлар барчамизни янада ҳушёрликка, эҳтиёткорликка, ҳар жиҳатдан ақл-идрок билан иш тутишга ундайди. Президентимиз И.Каримов “Эй одамзод, кўзингизни очинг, огоҳ бўлинг, бугун экстремизм, терроризмнинг даҳшатли киёфасини англаш вақти етди. Асримиз вабоси бўлмиш бу жирканч иллатнинг фақат шафқатсиз кўринишларини эмас, балки илдизларига етиб бориб, жамият ҳаётидаги дунё халқлари ҳаётидан уни таг-томири билан суғуриб ташлаш — барча давлатларнинг энг долзарб вазифаси бўлиши керак, бу йўлда барчамиз бир тан, бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз, қаттиқ кураш олиб боришимиз шарт”, деган кўрсатмалари барчамизнинг қалбимизда доимо бонг уриб турмоғи лозим.

Ф.УМАРОВА,

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Доцентлар:

Даволаш факультетининг “Факультет ва госпитал терапия ички ва касб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “ЛОР касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетининг “Асаб касалликлари” кафедраси

Ассистентлар:

Тиббий профилактика факультетининг “Эпидемиология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Информатика, биофизика ва нормал физиология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Халқ тиббиёти, реабилитология ва жисмоний тарбия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Фтизиатрия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Психиатрия ва наркология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Онкология ва нур ташхиси” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетининг “ИКП гематология ХДТ ва лаборатория иши” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШ педиатрия” кафедраси

Даволаш факультетининг “Асаб касалликлари” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.



ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда маҳаллий ва хорижлик соҳа мутахассислари иштирокида “Университетларда саломатликка оид фанларни модернизациялаш” лойиҳасининг дастлабки координацион учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур илмий анжуман Тошкент Тиббиёт академиясининг ташкилотчилиги остида Европа Иттифоқининг “ERASMUS+” дастури доирасида 2015-2018 йилларда молияланиши белгиланган “ModeHEd” лойиҳаси асосида ташкил этилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси ҳамда комиссиясининг техникавий ёрдами мувофиқлаштириш бюроси, “ERASMUS+” дастурининг Ўзбекистондаги миллий офиси ҳамда лойиҳа иштирокчилари бўлган мамлакатлар элчихоналари, университетлар ва ташкилотлар вакиллари таклиф этилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори Шавкат Каримов, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари Юрий Штерк ва бошқалар бутунжаҳон тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг олий мақсади – инсониятга хизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги пайтда шифокорларга таълим беришда замонавий технологиялар ўрнининг бекиёслиги, академияда ҳам бу борада катта ишлар қилинаётганлиги ҳамда “ModeHEd” — “Университетларда саломатликка оид фанларни модернизациялаш” лойиҳаси ҳақида анжуман иштирокчиларига батафсил маълумотлар беришди.



БИЗ СОҒЛОМ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ



Тошкент Тиббиёт академиясининг “Шифокор” спорт мажмуасида “Биз соғлом юрт фарзандларимиз” шиори остида ташкил этилган мусобақаларнинг финал босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур спорт тадбири “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ҳамда Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилди. Унда Тошкент Тиббиёт академиясининг барча факультетлари ва клиникалари ҳамда академик лицей, шунингдек, академияга бириктирилган тиббиёт коллежлари спорт жамоалари иштирок этди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан Тошкент Тиббиёт академиясининг ректори, академик Шавкат Каримов ва бошқалар барчани спорт байрами билан қутлаб, уларга мусобақаларда ҳамда ўқиш ва иш фаолиятларида муваффақиятлар тилашди. Шундан сўнг спорт беллашувларига старт берилди.

Давоми 7-бетда.

Давоми 6-бетда.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov


Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahilalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir



**Барча катта-ю кичикка, хоҳ у дўст
бўлсин, хоҳ у душман яхшилик қилинг.**



АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТИББИЁТ

Амир Темура ва темурийлар даврида тиббиёт соҳасида жаҳонга машҳур олимлар етишиб чиқди, бошқа соҳалар қатори тиббиёт ҳам ривожланди. Тиббиёт фанининг илмий асослари яратилди. Шифохоналар очилиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги таниқли табиблар ҳам айнан Самарқандда тўпланишди.



“Билаги зўр бирни, билими зўр мингни урар”
Амир Темура

Амир Темура салтанатидаги бой кутубхоналарда тиббиётга алоқадор ғоятда ноёб китоблар сақланиши бунинг сабабларидан бири эди. Бу эса ўша давр табибларининг қадимий ва ўрта асрлар Шарқ-у Ғарб табobati ютуқларини ўрганишида ва тиббиёт ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Шарқнинг энг буюк табиблари Амир Темура саройида хизмат қилган. Ўша даврда салтанат пойтахти Самарқандда “Дор уш-шифо” номли касалхона фаолият кўрсатган. Унга Амир Темурнинг таклифи билан ўз замонасининг таниқли табиби Мир Саййид Шариф Шерозий бошчилик қилган.

Ўша замон тиббиётининг забардаст вакиллари Ҳисомиддин Иброҳим Кермоний, Мавлоно Фазлulloҳ Табризий, Мансур ибн Муҳаммадлар тиббиёт соҳаси тараққиётида муносиб ўрин тутганлар ва ўзларидан тиббиётга оид бой маданий мерос қолдирганлар. Шунингдек, Мирсаъид Журжоний, Мавлоно Изаддин Масъуд Шерозий, Мавлоно Фарруҳ каби табиблар ҳам айнан Амир Темура саройида фаолият кўрсатган. Амир Темура Дамашқни эгаллаганидан сўнг, Мавлоно Жамолiddин ва Мавлоно Сулаймон каби ўз даврининг энг машҳур табибларини Самарқандга боришга ундаган.

Ўз навбатида улар ҳам тиббиёт фани юксалишига салмоқли улушларини қўшганлар. Мавлоно Фазлulloҳ Табризий Амир Темурнинг шахсий табиби бўлган. У Соҳибқироннинг ҳарбий юришларида шифокор сифатида иштирок этган ва саркарда ҳаётининг сўнгги пайтларига қадар у билан бирга бўлган. Амир Темура ва темурийлар даврида эски шифохоналар таъмирланган, қайта

қурилган ва янгилари бунёд этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, баъзи шифохоналар шифобахш маъданли сувлар ва булоқлар, хушманзара табиат қўйнида қурилган. Уларнинг атрофида катта боғлар барпо қилинган.

Бу қутлуғ анъаналар кейинчалик ҳам давом эттирилиб, Шамсиддин Одам ва Низомиддин Шерозий каби машҳур табиблар Шохруҳ саройида, Бурхониддин Кермоний исмли алломаи замон Мирзо Улуғбек қароргоҳида хизмат қилган. Темурий Абу Саид Мирзо жаннатмакон Оба қишлоғида иссиқ булоқ суви бўйида сиҳаттоҳ қурган. Ҳусайн Бойқаро даврида бу маскан кенгайтирилиб, атрофларида гулзор, боғлар бунёд этилган. Буюк шоир Алишер Навоий ҳам темурийлар даври тиббиёти ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшиб, ўз ҳисобидан бир неча шифохоналар очган. Уларда эҳтиёжманд инсонларга бепул тиббий хизмат кўрсатилган. Шунингдек, шоир томонидан қурилган мадрасаларда бўлажак табиблар тайёрланган.

Темурийлар салтанатида асосан Абу Али ибн Сино назарияси ва амалиёти дастур вазифасини ўтаган. Ўша давр медицина фани ривожини кузатар эканмиз, бу жараёнда назария ва амалиёт уйғунлиги таъминланганига амин бўламиз. Шунинг таъкидлаш жоизки Темура ва темурийлар даврида илм-фан, маданият, тиббиёт, архитектура, бир сўз билан айтганда маънавият соҳалари ривожланган давр бўлиб, соҳибқирон қолдирган маънавий мерос ҳозирги кунда ҳам ўзининг катта аҳамиятига эгадир.

Ш.ЮНУСОВА,
ТТА қошидаги академик лицей ижтимоий фанлар кафедраси мудири

ТТА қошидаги академик лицей ижтимоий фанлар

кафедраси мудири

ЎПКА САРАТОННИНГ САБАБЧИСИ НИКОТИН!

Тамаки тутунида 4000 дан зиёд кимёвий моддалар мавжуд бўлиб, улар организм фаолиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Шуларнинг 43 дан ортиғи ўсма касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлса, 400 дан ортиғи токсик (заҳарли) моддалар ҳисобланади. Булар жумласига смола, никотин, ис гази, кадмий, формальдегид, ацетон, бензол, мишьяк кабилар қиради. Текширувларда аниқланишича, ўпка саратонига чалинганларнинг 90 фоизи кашандалардир. Шунингдек, чекувчилар орасида нафас аъзолари ва юрак-қон томир касалликлари ҳам анча кўп учрайди.

Тамаки таркибидаги никотин нафас марказларини қўзғатиб, қон-томирлар спазмига олиб келади. Натижада қон-томир девори торайиб, атеросклеротик ўзгаришлар юзага келади. Никотин таъсирида буйрак усти безида норадреналиннинг кўп миқдорда ишлаб чиқиши юрак ритмининг бузилишига, юракнинг кислородга бўлган эҳтиёжининг ошишига, оқибатда унинг зўриқиши билан тартибсиз ва мажбурий ишлашига олиб келади.

Чекувчилар нафақат ўзлари, балки атрофдагиларнинг ҳам соғлиғига зарар етказиши мумкин. Тамаки тутуни “сузиб” юрган хонада бир соат қолишингиз тўртта сигарета чекилгандаги заҳарланишга тенг экан! Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 700 миллион, яъни жаҳондаги болаларнинг қарийиб ярми иккиламчи тутун таъсири остидадир. Бу эса болаларда респиратор касалликлар, пневмония, астма келиб чиқиш эҳтимолини кучайтиради. Тамаки тутуни таъсирида бош оғриғи, кўз конъюнктивасининг зарарланиши, бош айланиши, йўтал, томоқ қичиши, кўнгил айнаши каби ҳолатлар келиб чиқади.

Тошкент тиббиёт академияси-тамакидан ҳоли ҳудуд. Тошкент тиббиёт академиясида профессор-ўқитувчилар жамоаси ва талабаларнинг ички тартибга риоя қилиш ҳақидаги одоб-ахлоқ қоидалари кодексининг 8-бўлимида талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятларидан бири бу – “ТТА ҳудудида тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашиш” деб кўрсатилган. Ушбу мажбуриятни бажариш учун аввалдан бор ҳар бир профессор-ўқитувчи ва талаба тамаки чекмасдан ўзи бошқаларга намуна бўлиши ва ҳамда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиши лозим.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРҚ-396 2015 йил 29 декабрь) 56 моддасида жамоат жойларида (иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида ва бошқа жойларда) тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш жарима солинишига сабаб бўлади, деб кўрсатиб қўйилган. Ҳукуматимиз томонидан ушбу йўналишда олиб борилаётган сиёсат – аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашда, ҳамда юксак маънавиятли юқори интеллектуал салоҳиятга эга соғлом авлодни тарбиялашда муҳим ўрин тутди.

Ф.САЛОМОВА,
Тиббий профилактика факультети декани



БИЗ СОҒЛОМ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ



(Давоми. Боши 1-бетда.)





— Бу каби спорт мусобақалари соғлиқни сақлаш тизимидаги олий ўқув юртларида мунтазам равишда уюштириб турилади. Шифокор, энг аввало, ўзи соғлом бўлиши зарур. Шундагина у беморни тўлақонли даволай олади. Талабаларимиз нафақат илм олишда, балки спортда ҳам ҳеч кимдан қолишмасликларини исботлай олишяпти. Қолаверса, ушбу тадбирни ташкил этишда илму толибларнинг ўзлари бош-қош бўлишди. Айниқса, академиямизнинг тиббий-профилактика факультети талабаси Шаҳзод Жўраев ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари ҳаммага манзур бўлди, деб ўйлайман. Спорт — саломатлик, гўзаллик ва баркамоллик мезони экани ушбу мусобақада яққол

кўриниб турибди, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Турдикул Бобомуродов.

Бир неча ҳафта давомида Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли “Шифокор” спорт мажмуасида спорт мусобақалари икки босқичда бўлиб ўтди. Аввал, талабалар ўзаро беллашишган бўлса, сўнгра академиянинг профессор-ўқитувчилари ҳамда клиникалар ходимлари ва фарзандлари спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, бадминтон, югуриш ва шейпинг бўйича мусобақаларда қатнашишди.

Кескин ва муросасиз тарзда кечган мусобақалар ғолиблари ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Қ.НИЗОМОВ



ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— “ModeHEd” лойиҳасининг асосий мақсади — тиббий ва нотиббий таълим йўналишларида тайёрланаётган мутахассисларга ўқитилаётган саломатликка оид 7 та фан бўйича ўқув дастурларини Европа Иттифоқи олий таълим муассасалари тажрибаларидан фойдаланган ҳолда тақомиллаштиришдан иборат. Энг аввало, бу билан биз аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш орқали инсонлар соғлигини сақлаш борасидаги давлат даражасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширишни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу каби координацион учрашувлар ёш тадқиқотчи олимларимиз учун хорижий ҳамкасблари билан фикр алмашишларига катта ҳисса қўшади, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг илмий ишлар бўйича проректори Шухрат Боймуродов.

— Бу менинг юртингизга илк ташрифим. Ўзбекистонга келиб, аввало, меҳмондўст, пок дилли инсонларни

кўрдим. Тошкент Тиббиёт академияси ва клиникасида яратилган шароитларни кўриб қувондим. Талабаларнинг бир нечта хорижий тилларда ўз фикрларини илмий жиҳатдан тушунтириб бера олишлари мени ҳайратга солди. Ҳозирги кунга келиб, академияда таҳсил олаётган ёш шифокорлар “Тиб қонунлари”нинг асосчиси бўлмиш буюк ўзбек олими Абу Али ибн Синонинг ҳақли давомчилари эканликларини исботлай олишяпти. Мана шундай илмий анжуманларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши тарафдориман, — дейди Чехия Республикасидан ташриф буюрган Праганинг Карлов университети профессори, тиббиёт фанлари доктори Станислав Штипек.

Координацион учрашувнинг иккинчи кунинида “Европа Иттифоқи университетида компютер технологияларига асосланган профессионал ўқув дастурларининг янги методология ва компонентларини тақомиллаштириш тажрибалари”, “Таълим материалларининг сифат мезонлари”, “Инноватив

жарроҳлик технологиялари машғулоти” мавзуларида маърузалар бўлиб ўтди.

Қолаверса, “Валеология” ва “Тиббий билим асослари” “Ёш физиологияси ва гигиенаси”, “Спорт медицинаси”, “Даволаш жисмоний тарбияси ва спорт гигиенаси”, “Шошилинч тиббий ёрдам. Реанимация”, “Жамоат соғлигини сақлаш ва уни бошқариш” фанларининг таълим дастурларини модернизациялаш каби йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлардан иборат давра суҳбатлари ташкил этилди. Соҳа мутахассислари иштирокчиларни қизиқтирган ва тадбир давомида муҳокама этилган мавзуга оид барча саволлар бўйича тушунтириш бердилар.

Илмий-амалий анжуман якунида “ModeHEd” лойиҳасининг асосий иш режалари бўйича вазифалар ва уларнинг бажарилиш сифати ҳамда муддатлари белгилаб олинди, шунингдек, томонлар ўртасида Ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Феруза АБДУМАЛИКОВА,
ассистент

ТИЛ МАЪНАВИЯТНИ БОЙИТИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тил — миллатнинг фахри, ғурури, қиёфасининг бир бўлагидир. Республикамиз Конституциясида давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамланиб қўйилган. Тил миллатнинг борлигини, унинг тарихи ҳақида маълумот берувчи воситадир.

Шунинг учун она тилимизга доимо ҳурмат ва эътиборда бўлиб, унинг жамиятимиздаги мавқеини юксалтиришга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур. Зеро тил бор экан миллат давомий, унинг истиқболи буюк, нурли ва чароғондир.

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўзига хос миллий, инсоний қадриятлари бор. Инсон фақат тил билиши орқалигина бошқа миллатларга хос азалий ва абадий қадриятлардан баҳраманд бўлиши мумкин, бошқача қилиб айтганда, тил орқали дилга йўл излаш ва топиш имкониятлари мавжуд. Шахслар, ёшлар, талабалар бир эмас, бир неча тилни билиш орқали баркамол инсон, ўзидаги бошқа халқларга ҳам бўлган энг яхши фазилатларни камол топтириши мумкин. Тил билиш инсонларни яқинлаштиради, ҳар қандай қийин муаммоларни осонликча ечишга имкон беради.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги маърузасида замонавий таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий йўналишларини белгилар экан, тил ўрганишнинг аҳамияти борасида “Ҳозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта”, деган эди. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз билан

ҳамжиҳатликда ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз, ёшларимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашга ҳоҳлат йўқдир. Аммо шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш, албатта она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим. Ўз фикрини мутлақо мустақил она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода этолмайдиган инсонни, мутахассисни, ёшларни тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин.

Президентимизнинг юқоридаги фикрларини бевосита республикамиздаги ҳар бир фуқаро, талаба-ёшлар томонидан давлат тили бўлган ўзбек тилини, шунингдек, чет тилларни эгаллашга даъват, деб тушунсак тўғри бўлади.

Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 4-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилишини таъминлайди, давлатимизнинг мустақиллигини мустақамлашда давлат тилининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий аҳамияти жуда каттадир. Унинг асосида баркамоллик, ватанпарварлик таркиб топади.

Д.ХИДАЕВА,
Тиллар кафедраси ўқитувчиси

ЁШ ОЛИМЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Пойтахтимизда ёш олимларнинг тиббиётнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Тошкент Тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган анжуманда академия профессорлари, Тошкент давлат стоматология, Тошкент врачлар малакасини ошириш ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институтларининг ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустақамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, тиббиёт йўналишида таҳсил олаётган ёшларни рағбатлантириш, соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг касб маҳоратини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Мазкур анъанавий илмий-амалий анжуман тиббиёт мутахассислари ва бўлажак шифокорларнинг амалий билимларини мукаммаллаштириш, илмий ишларини намойиш этиш, амалий натижаларни таҳлил этиш мақсадида ўтказиб келинмоқда.

Анжуманда ёш олимлар инглиз тилида маърузалар қилди. Уларда касалликларга ўз вақтида аниқ ташхис қўйиш, даволашнинг илғор усуллари ва тажрибаларини қўллаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва аҳолининг тиббий маданиятини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

— Бу каби анжуманлар мутахассислар ва талаба-ёшларга ўзаро тажриба алмашиш имкониятини беради, — дейди ЎзА мухбирига Тошкент Тиббиёт академияси проректори Ш.Боймуродов. — Анжуман йилдан йилга оммалашмоқда. Бу йилги анжуманга иштирокчилар томонидан етти юзга яқин илмий иш топширилди. Анжуманнинг инглиз тилида олиб борилгани соҳадаги мутахассисларнинг хорижий тилларни яхши ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этади.

Учта муҳим нарсачеч қачон ортга қайтарилмайди — вақт, айтилган сўз, имконият. Шу сабабдан вақтни йўқотманг, сўзларни танлай билинг, имкониятни қўлдан берманг, азиз ёшлар.



ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ТАЛАБАЛАРИ БИЛАН ФАХРЛАНАДИ

Барчамизга маълумки, Тошкент Тиббиёт академиясида қабул қилинган бир шior бор — “Мен Ўзбекистонда яшашим билан ғурурланаман, Тошкент Тиббиёт академиясида ўқишим билан фахрланаман”. Ушбу шiorни талабаларимиз ҳар куни ишлатишади ва амал қилишади. Аммо бугун мен академиянинг ўз талабалари билан фахрланиши тўғрисида тўхталмоқчиман.




Ўзбекистон Республикаси бош вазирининг ўринбосари Баҳодир Ходиев 2016 йил 9 апрель куни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат йиғилишида олий таълим муассасаларида инглиз тилини ўрганишни кучайтириш тўғрисида тўхталиб, Тошкент Тиббиёт академияси томонидан амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди ва 2016 йил 5 апрель куни Tashkent Intercontinental Hotelнинг Амир Темур залида “Тиббиётнинг долзарб муаммолари” га бағишланган талабаларнинг 5-илмий - амалий анжуманида қатнашганлиги, талабаларнинг инглиз тилида илмий маърузалар билан чиқишлари, талабалар томонидан берилган саволларга аниқ ва чуқур илмий асосда инглиз тилида жавоблар қайтарилганлиги, талабалар анжумани жуда ҳам қизиқарли, мазмунли ташкил этилганлиги, Республикаимиздаги бошқа олий таълим муассасалари Тибби-

ёт академиясининг тажрибасидан фойдаланиши лозимлигини таъкидлади.

Шунингдек бош вазир ўринбосари Б.Ходиев даволаш факультетининг 1-курс талабаси Умида Ҳамраева ва у томонидан ўқилган маъруза тўғрисида тўхталиб, талабанинг иқтидори, ўзини тутиш, қийиниш, нутқ маданияти, 5 та хорижий тилда эркин сўзлашиши, маърузада эса инглиз тилида Ўзбекистон Республикасида эришилган ютуқлар, талаба-ёшлардаги шукроналик ҳисси, ёшларни юксак марраларни эгаллаш учун ўз олдига қўйган буюк мақсадларини тўлиқ ёрита олганлигини эътироф этди ва ушбу маърузанинг видео ёзуви бошқа олий таълим муассасаларда профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшларга қўйиб кўрсатилишини мақсадга мувофиқ деб айтиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан эътироф этилган Умида Ҳамраева ҳамда у каби юзлаб иқтидорли талабаларимиз билан Тиббиёт академияси ва академияда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар фахрланса арзийди.

Т.БОБОМУРОТОВ,
Тошкент Тиббиёт академиясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори



О.ТЕШАЕВ,

Тошкент Тиббиёт академиясининг ўқув ишлари бўйича проректори

2015-2016 Ўқув йили КУЗГИ СЕМЕСТР НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Олдинги ўқув йилидан фарқли равишда ушбу ўқув йили кузги семестр натижалари фанларнинг ўзлаштирилиши факультетлар ва курслар, гуруҳлар кесимида қаралганда ижобий ўзгаришлар мавжуд.

Мазкур ўқув йилида талабаларнинг фанларни ўзлаштирилиши яхшилаш, сифат кўрсаткичи паст бўлган фанларда уни кўтариш ва асоссиз равишда юқори сифат кўрсаткичига эга бўлган фанларга эътиборни кучайтириш, ўқув жараёнига ахборот ва коммуникацион технологияларни кенг тадбиқ этиш, инглиз тили ва янги педагогик технологияларни жорий этишга эътибор берилди. Айниқса хорижий профессорлар томонидан маъруза ва мастер класслар ташкил этилиши, интеграл маърузаларни хорижий профессорлар билан биргаликда олиб бориш кенг жорий этилди. Амалий машғулотларда янги педагогик технологияларни тадбиқ этиш, машғулот сифатини кескин ошириш, талабаларга қизиқарли ва мазмунли дарс ўтишни ташкил этиш мақсадида 30 дан ортқ очик дарслар ўтказилди. Ҳар бир очик дарс ўзига хос янги услубда ва инглиз тили, ахборот технологияларига асосланган тарзда олиб борилди. Маъруза ва амалий машғулотларда инглиз тилининг улуши кескин оширилди. Барча фанлар бўйича маъруза презентациялари янги маълумотлар билан бойитилди.

Семестр натижалари таҳлил қилинганда умумий ижобий ўзгаришлар билан бирга айрим фанлар ва курсларда умумий кўрсаткичдан паст натижалар кузатилди.

2015-2016 ўқув йили кузги семестрида академиямизда бакалаврият таълим йўналишларида 3452 талаба тахсил олган. Факультетлар кесимида биринчи киришда ўзлаштириш (жадвал 1) кўрсаткичини кўрайдиган бўлсақ—даволаш факультети бўйича — 74,0%, тиббий педагогика факультети — 74,1%, тиббий профилактика факультетида — 78,7%, ОМХ факультетида — 89,2% ва ҳарбий тиббий

факультетда 56,4%ни ташкил этди. Сифат кўрсаткичлари даволаш факультетида — 44,5%; тиббий педагогика факультетида — 37,6%, тиббий профилактика факультетида — 33,5%; ОМХ факультетида — 56,1% ва ҳарбий тиббий факультетда — 76,9%дан иборат бўлди. Академия бўйича биринчи киришда ўзлаштириш кўрсаткичи 77,7%ни, сифат кўрсаткичи эса — 44,1%ни ташкил этди (жадвал 1).

Рейтинг Низоми талабаларига асосан қайта топширишлардан сўнг ўзлаштириш кўрсаткичи даволаш факультетида 98,9%ни, тиббий педагогика факультетида 99,7%, тиббий профилактика факультетида 99,2%, ОМХ факультетида 100% ва ҳарбий тиббий факультетда ҳам 100%ни ташкил этди.

Фанларни ўзлаштирилмаганлиги сабабли талабалар сафидан чиқарилган талабалар сони академия бўйича 32 кишини ташкил этди, бу эса олдинги ўқув йилига нисбатан кўп. Курслар кесимида кўрилганда, академик қарздор талабаларнинг аксарият қисмини 2-3 курс талабалари ташкил этган. Биринчи курсдан 2 та талаба, 2 курсдан 17 та талаба, 3 курсдан 9 та ва юқори курс талабаларидан 4 та талаба талабалар сафидан четлатилди.

Академияда баҳолаш мезонлари такомиллаштирилишига қарамасдан ханузгача жорий, оралик ва якуний назоратлар орасида номувофиқликлар мавжуд. Мисол учун даволаш факультети 1-курс талабаларининг биология фанидан, 3-курсда микробиология, 4-курсда эндокринология, суд тиббиёти, 5-курсда — юқумли касалликлар, 6-7 курсларда УАШ терапия ва УАШ педиатрия фанларида 10 баллдан 26,8 баллгача жорий ёки ОСКИ билан оралик назорат ва якуний тест синовлари ўртасида тафовут кузатилмоқда (Жадвал 2). Худди шундай ҳолатлар

бошқа факультет ва курсларда ҳам учрайди.

Шу билан бирга айрим фанлар бўйича сифат кўрсаткичларининг юқорилиги ҳақиқатга тўғри келмайди. Даволаш ва тиббий педагогика факультетларида: солиқ ва солиққа тортиш, педагогика ва психология, урология, гематология, касб касалликлари, болалар хирургияси ва болалар травматологияси фанлари, ОМХ факультетида акушерлик ва гинекология, юқумли касалликлар, ҳамширалик ишида бошқарув, клиник фармакология фанлари шулар жумласидандир (Жадвал 3).

Таҳлиллар кўрсатишича талабаларнинг дарс қолдириши, айрим педагогларнинг масъулиятсизлиги ёки педагогик маҳоратининг етишмаслиги, тест синовларида тест саволларининг меъёридан камлиги, ОСКИ ва ёзма ишларни сифатсиз тайёрланиши юқоридаги камчиликларга сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш ва мазкур семестрда таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнига намунали ташкил этиш, унда педагогик ва ахборот коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик ва касбий маҳоратини ошириш; Чет эл грантларини ютиш ва нуфузли университетларда малака ошириш;

Малака ошириш тармоқ марказида малакасини ошириш;

Истеъдод жамғармаси қошидаги марказда малака ошириш;

Ўз ихтисослиги бўйича тегишли ташкилотларда касбий малакасини ошириш;

Давоми 5-бетда.

(Давоми. Боши 4-бетда.)

Узлуксиз малака оширишни амалда қўллаш (Ўз устида мустақил ишлаш).

Таълимда янги педагогик технологияларни кенг тадбиқ этиш (электрон таълим ва электрон журнал):

Муаммоларга асосланган ўқитиш, кейс технологияси, лойиҳалаштириш ва интерактив ўқитиш усулларини ўзлаштириш ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш;

Ҳар бир педагог ўз партфолиоисинини яратиши;

Электрон модул тизимини амалда қўллаш ва такомиллаштириш;

Электрон журнални юритиш.

Ахборот-коммуникацион технологияларини кенг жорий этиш;

Кафедрада ахборот тизимини яратиш;

Ўқув жараёнининг барча босқичларини (амалий машғулот,

лаборатория иши, маъруза, малакавий амалиёт, семинарларни ахборот — коммуникацион технологияларини кенг қўллаган ҳолда ташкил этиш;

Ҳар бир педагог электрон таълим тизимига ўз хиссасини қўшиши ва уни қўллашига эришиш.

Инглиз тилига эътиборни кучайтириш ва уни ўқув жараёнидаги улушини кескин ошириш.

Ҳар бир педагог инглиз тилини ўрганиши, амалий машғулот ва маърузаларни тўлиқ инглиз тилида ўқишга эришиш;

Ўқув марказларида репититорлар билан шуғулланиш;

Чет элда малака ошириш;

Республикамиз университетлари қошида ташкил этилган қайта тайёрлов курсларида ўқиш;

Мустақил ўз устида ишлаш, танловларда иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан таълим йўналишлари ва мутахассисларнинг ўқув режаси, фан дастурлари, календарь тематик режаси ва адабиётлари хорижий нуфузли университетларнинг дастурларига мослаштирилиши шарт. Бунинг учун қуйидаги ишлар кафедралар томонидан амалга оширилиши режалаштирилган:

Энг мукаммал инглиз тилидаги ўқув адабиётини танлаш;

Нуфузли хорижий университетнинг фан дастури асосида фан дастурини тузиш;

Фаннинг календарь тематик режасини тузиш ва унга мос равишда маъруза матни ва презентацияларини яратиш;

Хорижий ўқув адабиёти асосида ўқув қўлланма тузиш;

Амалий машғулотларнинг сценарийси ва презентацияларини тузиш.

Жадвал 1.

Факультетлар кесимида ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари

	Даволаш		Тиббий педагогика		Тиббий профилактика		ОМХ		Ҳарбий тиббиёт		Академия бўйича	
	2015-2016	2014-2015	2015-2016	2014-2015	2015-2016	2014-2015	2015-2016	2014-2015	2015-2016	2014-2015	2015-2016	2014-2015
Ўзлаштириш	74,0%	70,1%	74,1%	71,2%	78,7%	73,5%	89,2%	76,4%	76,4%	66,6%	77,7%	72,3%
Сифат кўрсаткичи	44,5%	38,8%	37,6%	38,1%	33,5%	36,0%	56,1%	46,4%	76,9%	34,4%	44,1%	37,4%

Жадвал 2.

Даволаш факультети талабаларининг айрим фанлар бўйича баҳолаш турлари ўртасидаги фарқ

Фанлар	Жорий баҳолаш ёки ОСКИ %	ОН ёки Тест синовлари %	Номувофиқликлар %
Биология	73,4	61,7	-11,7
Микробиология	59,7	76	16,3
Эндокринология	87,8	61,9	-25,9
Суд тиббиёти	87,2	60,5	-26,8
УАШ терапия	80,1	63,7	-16,4
УАШ педиатрия	86,3	68,8	-17,5
Юқумли касалликлар	83,6	72,7	-10,9

Жадвал 3.

Сифат кўрсаткичи юқори бўлган фанлар

1	Даволаш ва тиббий педагогика факультетлари	Солиқ ва солиққа тортиш	85,4
		Педагогика ва психология	86,2
		Урология	91,9
		Тери-таносил	95,6
		Гематология	93,9
		Касб касалликлари	94,1
		Болалар хирургияси	89,3
2	ОМХ факультети	Болалар травматологияси	88,9
		Акушерлик ва гинекологияда ХИ	100
		Юқумли касалликларда ХИ	100
		Ҳамширалик ишида бошқарув	100
		Клиник фармакология	96,8

